

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам энг кўп ўқиган 2 дуо



18:07 / 19.09.2017 8033

«Эй қалбларни айлантирувчи Зот! Қалбимни динингда собит қил!»

Шаҳр ибн Хавшаб розияллоҳу анҳу Умму Салама розияллоҳу анҳога: **«Эй, мўминларнинг онаси! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизнинг олдингизда бўлганларида аксари дуолари қандай бўлар эди?»** - деди. Умму Салама розияллоҳу анҳо: **«У зотнинг дуолари «Эй қалбларни айлантирувчи Зот! Қалбимни динингда собит қил» эди. Бас, мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бу дуони бунча ҳам кўп қиласиз-а?»** - дедим. **«Эй Умму Салама! Қалби Аллоҳнинг икки бармоғи орасида бўлмаган бирор одам йўқ. Кимни хоҳласа, қоим қилади, кимни хоҳласа, тойдиради»,** - дедилар» (Термизий).

Бошқа бир ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам энг кўп қиладиган дуолари: **«Эй қалбларни ўзгартирувчи, қалбимни динингда собит қил» эди. Буни эшитган саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз ҳам диндан қайтишдан қўрқасизми?» - дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ер юзида мени Аллоҳнинг макридан ҳимоя қила олади?», - деб жавоб бердилар.**

Инсон учун энг катта қадр-қийматга эга бўлган нарса бу унинг иймонидир. У Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бандаларига бўлган марҳамати ва раҳматидир. Иймон фақатгина Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан бериладиган неъмат бўлгани учун Аллоҳдан инсон доим иймонининг мустаҳкам бўлишини ва ҳидоятда собитқадам бўлишини дуо қилиб сўраши лозимдир.

Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда: **«Инсоннинг қалби Аллоҳнинг ҳукмидадир. Қандай хоҳласа, шундай ўзгартиради», -** деб марҳамат қилган.